НАМАНГАН. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик рафиқаси билан вилоятга ташриф буюрди. У Чуст ва Поп туманларида бўлиб, халқ амалий санъати намуналари ҳамда хунармандлар иши билан яқиндан танишди. "Мерос" илмий-маърифий марказ ҳамда рассом ва хунармандлар ижоди мехмонларда яхши таассурот қолдирди. Улар Заҳириддин Бобур қадамжоларидан ҳисобланган Ахсикент обидаларини зиёрат қилишди.

БОБУРНИ ЁД ЭТИБ

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

НУКУС. Қорақалпоғистонда ҳам Бухоро газ порлай бошлади. "Газли — Нукус" газ тармоғининг навбатдаги 8 километри фойдаланишга топширилди. Энди Тўртқўл, Беруний, Элликқалъа туманлари хонадонлари табиий газ билан яхши таъминланади. Аёзли кунлар арафасида арзон ёнилғининг келтирилиши, айниқса, уй бекаларини мамнун этди. Ҳозир "Газли-Нукус" тармоғига улаш учун республика пойтахтидан тортиб келинаётган газ қувурлари Қоратовга етган.

УЙ БЕКАЛАРИНИНГ ҚУВОНЧИ

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

БУХОРО. Бухоро тилла ранг қорақўлининг шуҳрати қадимдан машҳур. Бу Осиё халқаро кўргазмасида ҳам ўз ифодасини топди. "Бухоро-рокоракўл" ҳиссадорлик жамияти вакиллари анжуманга тақдим этган мўйна маҳсулотлари юқори баҳоланди. Айниқса, қорақўл пўстинлари мутахассисларга маъқул тушди. Маҳсулотларни харид қилиш мақсадида кўпгина фирмалар шартнома туздилар.

ҚОРАКЎЛ — ЖАҲОН БОЗОРИДА

Даврон БАҲРОНОВ.

ТОШКЕНТ. "Маънавият ва маърифат" республика марказининг Пскент тумани бўлими туман газетаси ижодий жамоаси билан ҳамкорликда истиқлол, Ватанимизни мадҳ этувчи энг яхши публицистик асарлар ва шеърлар танловини ўтказди. Унга 30 га яқин асар тақдим этилди. С. Иномовнинг "Бу шундай юртки" мақоласи голиблиққа лойиқ кўрилди. М. Арслоновга "Ватанни улар каби севайлик" мақоласи учун иккинчи ўрин берилди. Б. Сатторов "Бобур қадами етган кент" асари, М. Парпиев "Ватанга қасида" шеърлари учун учинчи мукофот олишди.

ВАТАННИ МАДҲ ЭТИБ

Соҳибжон САЛИМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 9 ноябрь, шанба № 144 (22.065).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ҲАЛОЛ ЯШАШ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШ – БУРЧИМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз дўстлар!

Муҳтарам депутатлар!

Мустақиллик шароитида ўтаётган ҳар бир кунимиз, ҳар бир қилаётган ишимиз халқимизнинг бекиёс яратувчилик салоҳиятини, бунёдкорлик истеъдодини, куч ва қудратини яққол кўрсатмоқда.

Миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдевори қўйилди. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадлари учун жаҳон илғор андозаларига ва тажрибаларига, шу билан бирга қадимий миллий давлатчилигимиз анъаналарига асосланган ва уйғунлашган ҳолда дадил қадам қўймоқдамиз.

Юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда. Давлатимиз, жамиятимиз мустақиллик шароитида олиб бораётган сиёсатининг энг биринчи мақсади — халқимиз учун, юртимизда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси инсон учун муносиб ҳаёт шароитини барпо этиш, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизни мустаҳкамлашдир.

Мана сизга оддий бир маиший мисол: Наманган вилоятида бутун собиқ шўролар замонида бор-йўғи 95 минг хонадон табиий газ билан таъминланган эди. Истиқлол даврининг беш йилида эса 90 минг хонадон газлаштирилди.

Бу содда рақамлар мустабидлик шароити билан мустақиллик шароити ўртасидаги фарқни жуда яққол кўрсатади. Бир ўйлаб қарайлик, беш йил муқаддам Нанай, Чодак қишлоқларига табиий газ боришини ким ҳам тасаввур қиларди?!

Бугунги кунда вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 74 фоизни ташкил этади. Учқўрғон — Наманган сув узатиш иншооти яқин орада тўлиқ ишга туширилгач, насиб этса, вилоятдаги тўрт туман ва Наманган шаҳри тоза ичимлик суви билан тўла таъминланади.

Муҳтарам дўстлар!

Мамлакатимизнинг барқарор равнақини таъминлашда наманганликларнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу заминнинг саховати, бу замин фарзандларининг шижоати ўзига хосдир. Наманганликларни азалдан омилкор, оқибатли, нияти пок, ўз маънавий ва исломий қадриятларини юксак эъзозлаб келган эл сифатида биламиз ва катта ҳурмат қиламиз.

Ишлаб чиқариш соҳасида, халқ хўжалигининг асосий тармоқларида, маънавият ва маданият ривожида ҳам Наманган аҳлининг қилган меҳнатлари ўзининг муносиб ҳосилини ва самарасини бермоқда. Буни мажлисда иштирок этаётган кўпчилик кузатиб бормоқда ва англамоқда. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди, албатта.

Лекин қилаётган ишларимизга танқидий кўз билан қараб, холисона баҳо бersак, бугунги кунда вилоятда мавжуд бўлган муаммоларнинг ечилиши ҳақида гапирсак, афсуски, кўп жойларда оқсоқлик, оддий фуқароларни норозиликка олиб келадиган ҳолларни, вазиятни кўриш мумкин.

Диққатингизни бир муҳим ижтимоий масалага жалб этмоқчиман. Вилоят аҳолиси кейинги беш йил ичида 263 минг нафар кўпайди ва 1 миллион 820 мингдан ошди. Умумий аҳолининг 62 фоизи қишлоқда жойлашган.

Худо берган болани боқиш, тарбиялаш, юртнинг асл фарзанди этиб вояга етказиш, аввало, шу заминда яшаётган ота-онанинг, қолаверса, шу эл тақдири қўлига ишониб топширилган раҳбарларнинг зиммасига юксак масъулият юклайди. Улғайган фарзандларимизга иш топиб бериш, янги замон талаблари даражасида касб-ҳунарга ўргатиш учун ҳар бир қишлоқда, аҳоли зич яшайдиган ҳар бир жойда бугунги бозор иқтисоди талаб этадиган равишда ишлаб чиқариш ва турли хизматларни ташкил этмасдан яна қандай чорамиз, қандай иложимиз бор?

Хўш, шу муаммони ечиш йўлида Наманган вилоятида қандай ишлар қилиняпти? Келинглар, шу нуқтаи назардан вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини таҳлил этиб кўрайлик.

Маълумки, **иқтисодий сиёсатимизнинг асосий йўналишларидан бири қишлоқ жойларига саноатни олиб бориш, кичик ва ўрта корхоналар қуриш, янги иш жойларини яратиш ҳамда қишлоқ аҳолиси учун савдо ва маиший хизматнинг ҳамма турларини муҳайё этишдир.**

Шуни айтиш керакки, вилоятда бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Аммо қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида кичик ва хусусий корхоналар барпо этиш талаб даражасида эмас.

Мавжуд 6 мингдан ортиқ кичик ва хусусий корхоналарнинг аксарияти қишлоқ жойларида ташкил этилган бўлсада, уларнинг самарадорлиги паст. Уларнинг ҳар бирида ўртача тўрт киши иш билан таъминланган. Корхоналарнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш билан эмас, савдо-сотиқ билан, олибсотарлик билан шуғулланмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжа-

(Давоми 2-бетда).

Ташриф олдидан

БРЮССЕЛЬ МЕҲМОН КУТМОҚДА

Брюсселдаги Халқаро матбуот маркази — «Ай-Пи-Си»да чет эл агентликлари, газета ва журналлари мухбирлари учун ўтказилган брифингда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Бельгия Қироллигига расмий ташрифи ҳақидаги хабар йиғилганларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Маълумки, Брюссель Европадаги халқаро ташкилотлар энг кўп жойлашган шаҳар ҳисобланади. Бу ерда НАТО, Европа Иттифоқи, Европарламентнинг қароргоҳлари жойлашган. Бундан ташқари, уч мингдан ортиқ чет эл компания, фирма ва банки идоралари иш олиб боради. Кўриниб турибдики, журналистлар учун бу гавжум шаҳарда доимо аҳамиятга молик хабарлар топилиб туради.

Худди шундай бўлди ҳам. Жаноб Куэртон Бельгия Қироллигига Президент Ислом Каримовнинг расмий ташрифи амалга ошишини эълон қилганда залда жонланиш сезилди. Саволлар туша бошлади. Ўзбекистон раҳбарининг Бельгия Қироли Альберт Иккинчи, НАТО Бош котиби Хавьер Солана, шаҳзода Филипп, бош вазир Жан-Люке Дехане, Европа Иттифоқи Комиссияси президенти Ж. Сантер ва шу ташкилот комиссари Х. Ван Ден Брук билан бўладиган олий даражадаги учрашувлари кўлами журналистлар диққатини тортди. Бундан ташқари, Брюссель мэриясида бўлиш, Вакиллар палатасида қабул ҳам ташриф дастуридан ўрин олган. Матбуот котибининг айтишича, бельгиялик тадбиркорлар ҳам ташқи савдо идорасида Ўзбекистон Президенти билан бўлажак учрашувни сабрсизлик билан кутяптилар.

«Бизда олий даражадаги давлат арбобларини кутиб олиш бўйича бой тажриба тўпланган, — деди Жак де Баэнст. — Аммо биз Қирол Альберт Иккинчининг Президент Ислом Каримов ташрифига алоҳида эътиборини ҳисобга олиб, режадаги барча учрашувларнинг самарали бўлиши учун бор имкониятларимизни ишга солмоқчимиз».

Темур НИЗАЕВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги.
Брюссель шаҳри.

Яккама-якка

ЖИЗЗАХДА ТЕХНИКАГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРАДИМИ?

Бу саволни Жиззах вилояти «Агромашсервис» ҳиссадорлик бирлашмаси раиси Сафарбой НАЗАРОВ олдига кўндаланг қўйишимиз сухбатдошимизни ажаблантирмади. Негаки, бутун агросаноат мажмуи техника гарданига юкланиб келган вилоятда кейинги йилларда оқсашнинг асосий сабабларидан бири техника воситаларидан оқилона фойдаланилмаганлиги барчага аён ҳақиқат. Хўш, қанча-қанча майдонларга чигит экилмай қолса, терим машиналарининг кунлик унуми 1 тоннадан ошмаса, эртага аҳвол қандай кечади? Суҳбатимиз ана шундай саволлардан бошланди.

— Вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида юртбошимиз техникага хўжасизларча муносабатда бўлинаётганлигини рўй-рост, очиқ-ойдин кўрсатиб бердилар. Айбимизни мардона тан олишимиз керак. Бу камчиликларга аввало боқимандалик кайфияти, қолаверса мулк ўз эгасини топмаганлиги сабабдир. Хўжаликлар маблағ камлигидан техника паркини янгилай олмади, устига устак эскирган техника воситаларини таъмирлаш ҳам талаб даражасида бўлмади. Шўро даврида бир одат бор эди: техника сал-пал эскирса, янгиси олиб кетилаверарди. Энди эса ҳеч ким четдан техникани янгилаб бермаслигини ҳар биримиз ҳис этишимиз керак. Шу маънода ҳам мулкни авайлаб ишлатиш ҳамманинг онгига сингдирилиши зарур. Бир мулоҳазамни айтай. Жойларда эзгу ният билан фермер хўжаликлари ташкил этилди. Улар мавжуд техникаларнинг муайян қисмини хусусийлаштириб олдилар. Афсуски, ана шу жараён баъзи жойларда бир ёқлама амалга оширилган. Натижада хўжасизлик оқибатида давлат мулки шахсий мулкка айланиб қолмоқда.

— Бунга ким айбдор?

— Мен бу ўринда хусусийлаштириш идорасини айтишим мумкин эди. Лекин давлат мулки ҳақида ўз мулкимиздай қайғуришга эришмас эканмиз, одамларда тафаккурни тубдан ўзгартирмас эканмиз аҳвол ўзгармай қолаверади. Ана шу муносабат барча бўғиндаги ходимларда таркиб топиши лозим.

— Техникага хўжасизларча муносабатда бўлаётган раҳбарлардан халос бўлиш кераклиги ҳақида вилоят сессиясида айтилди...

— Ислоҳотнинг бугунги талабларига жавоб беролмаётган ходимларни вазифасидан четлатиш, уларнинг ўрнига ёш, ғайратли кадрларни қўйиш йўли танланди. Масалан, Арнасой туманидаги Улуғбек номли, Мирзачўл туманидаги «Янги дала», Пахтакор туманидаги Акмал Икромов номли, «Самарқанд», Зарбдор туманидаги Й. Курбонов номли, «Истиқбол», Дўстлик туманидаги «Манас», Мамажон Дадажонов номли хўжаликларнинг раҳбарлари ҳар тарафлама муҳокамадан сўнг эгаллаган вазифаларидан озод қилиндилар. Энди шулардан кейин техникага муносабат тубдан ўзгариши керак.

— Хўш аҳволни ўнглаш учун қандай амалий чоралар кўриляпти?

— Вилоят хўжаликларида шудгор қилиш ишларини ўз муддатларида ўтказиш мақсадида корхона ва ташкилотларни амалий ёрдам кўрсатишга сафарбар этиш бўйича ҳокимнинг қарори қабул қилинди. Унга кўра вилоятимиздаги корхона ва ташкилотлари жами 350 та ҳайдов тракторини 15 ноябргача таъмирлаб ишга тушириш ва шудгорлаш ишлари ниҳоясига етгунга қадар таъмирланган техникаларни юқори унум билан, тўхтовсиз ишлашини таъминлашни ўз зиммаларига олдилар. Айни пайтда бизга эҳтиёт қисмлар билан таъминлашда «Тошкент Трактор заводи» бирлашмаси, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Агрегат заводлари — умуман «Машхолдинг» бирлашмасига қарашли корхоналар яқиндан ёрдам беряптилар. Хулас, 1997 йил ҳосили учун ҳозирдан пухта тараддуд кўриб, вилоятимиз қудратини юксалтириш учун барчани сафарбар этиш кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Суҳбатдош: Шуҳрат ЖАББОРОВ.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамада

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ БИЛАН

Маълумки, мамлакатимиз парламентининг VI сессиясида, давлат аҳамиятига молик кўпгина муҳим ҳужжатлар қатори, Узбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган ва у умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Узбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти шундан келиб чиқиб, ушбу Қонун лойиҳасини партия ташкилотларида кўриб чиқиш, ўрганиш ва унинг юзасидан таклиф ҳамда мулоҳазаларни шакллантиришни тавсия этганди.

Маҳаллий партия кенгашлари мазкур ҳужжат муҳокамасини уюштириш бўйича кенг қамровли оммавий-сиёсий ишларини амалга оширмоқдалар. Олинган маълумотларга кўра, ҳозиргача ўн мингдан зиёд бошланғич партия ташкилотида Қонун лойиҳасини кўриб чиқишга оид йиғилишлар ўтказилди. Уларда икки юз мингдан кўпроқ ХДП аъзоси ва юз минг нафарга яқин партиясизлар иштирок этди. Кўпгина вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари пленумлари, ижроия бюроларнинг мажлислари, «Давра суҳбатлари», ХДПдан турли даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайланган депутатлар билан учрашувлар, анжуманлар ҳам ана шу мавзуга бағишланмоқда.

Тадбирларнинг қатнашчилари Қонун лойиҳасини асосан маъқуллаб, у юртимизда демократияни, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги ва чинакам кўппартиялиликни ривожлантириш учун ҳуқуқий асосларни яратиш йўлидаги янги, муҳим қадам эканлигини таъкидлаб ўтишмоқда. Улар, айни пайтда, лойиҳани янада пишиқлаштириш, қисмига етказиш юзасидан узларининг ранг-баранг фикр-мулоҳазалари, истак ва тавсияларини билдирмоқдалар, бу — фуқароларимизнинг сиёсий маданияти ва фаоллиги ошиб бораётганлигидан далолатдир.

Хўш, билдирилаётган истак ва мулоҳазалар асосан нималардан иборат? Аввало, муҳокама иштирокчилари Қонун лойиҳаси устидаги ишни давом эттириш жараёнида парламентчилик демократияси ривожланган давлатларнинг бой тажрибасига кўпроқ таяниш зарурлигини уқтирмоқдалар. Шу билан бирга, ҳужжатда Узбекистонда фаолият кўрсатаётган партияларнинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланиши лозимлигига эътиборни қаратмоқдалар. Хатлар орасида партияларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокининг йўл ва воситаларини аниқ кўрсатиш, фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбалари хусусида ҳам таклифлар бор. Анчагина мулоҳазалар лойиҳа матнига таҳририй тусдаги тузатишлар киритишга оиддир.

Узбекистон ХДП Марказий Кенгаши ишчи гуруҳи келаётган таклифлар, қўшимчалар, тавсия ва истакларни таҳлил этиб, уларни умумлаштиришни давом эттирмоқда. Партия кенгашларининг вазифаси эса, Қонун лойиҳаси муҳокамасига оид тадбирларнинг барча БПТда юксак савияда, амалий руҳда ўтказилишини таъминлашдан иборатдир. Тоинки, улар узил-кесил қабул қилинадиган Узбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунининг жаҳон андозаларига ҳар томонлама жавоб бера олишига, унинг мамлакатимизда демократик тамойиллар, кўппартиялилик тизими чуқур ва мустаҳкам илдиз отишига хизмат қила оладиган ҳужжат бўлишига муносиб ҳисса қўшсинлар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.



берган интервьюсида эса партия ўз таркибини тозалаши ва ислоҳотлар ўтказиши зарурлиги таъкидланган. Йўқса, партия мамлакатда ўз сиёсий

БОЛГАРИЯДАГИ СИЁСИЙ ВАЗИЯТ

«Стандарт» газетасининг ёзишича, Болгария ташқи ишлар вазири Георги Пирински ва Болгария социалистик партиясининг София бўлими етакчиси Никола Койчев мамлакат бош вазири Жан Виденовнинг ўрнини эгаллашга умид боғлашяпти.

Койчев айни пайтда парламент комиссиясининг иқтисодий масалалар бўйича ҳам раиси лавозимида ишлаб турибди. Айни пайтда Пирински «сукут» сақламоқда.

«Дума» газетасига БСПнинг собиқ етакчиси Александр Лиловнинг кучини йўқотади. Маҳаллий партиялар етакчилари бу ҳолатни зўр бериб умуммиллий масалага айлантиришга, халқ эътиборини қаратишга уриняпти.

Шу йилнинг 6 ноябрида президентликка сайланган Петер Стоянов Демократик кучлар Иттифоқи раиси ўринбосарлиги лавозимидан истеъфога чиқди. Марказий сайлов комиссиясининг таъсдиқлашича, Стоянов 59, 73 фоиз овоз билан маданият вазири Иван Морозов (40, 27 фоиз) устидан ғалаба қозонди.

АЛБАН ПРЕЗИДЕНТИ АЙБЛАНЯПТИ

Албания Президенти Сали Беришани мамлакат аппелация судининг судьяси Прела Мантининнинг уйини портлатишдаги террорчилик ҳаракатида қўли борликда айблашяпти.

Судьянинг уйида портлаган бомба беш нафар кишини қаттиқ жароҳатлаганди. Сали Беришани коммунистик партия даврида «сигурими»нинг аъзоси деб қаралмоқда.

«Рейтер» агентлигининг таъкидлашича, Бериша эса «Албания ҳукумати жиноятчиликка қарши қаттиқ курашади ҳамда уларни тегишлигича жазолайди» дея айтмоқда. Мамлакат бош вазири Александр Микси суд жараёнини олиб бора туриб, коммунистик партиянинг бир қанча амалдорларини узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилишга мажбур бўлди. Портлаш сабабларини ўрганиш учун махсус комиссия иш олиб боряпти. Ички ишлар вазири Ҳалил Шаматнинг айтишича, «Адолат учун кураш» террорчилик гуруҳининг бу портлашда иштироки борлиги аниқдир».

РАИС БУВА, ПАХТАНИНГ ПУЛИ ҚАНИ?

Лўқма

1995 йил эди. Бошқалар қатори биз, Шаҳрисабз туманидаги Бобур номли 25-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам пахта йиғим-теримида қатнашиш истагини билдирдик. Мактабдошларимиздан 51 нафарини Усмон Юсупов туманига ҳашарга олиб кетишди.

Бизни «Янгиобод» жамоа ширкат хўжалиги деҳқонлари қарши олдилар. Шароит етарли бўлмаса-да, сабр қилдик. Фикри-зикримиз даладаги ҳосилни йиғиб-териб олишда бўлди.

Бошланишида терган пахтамизнинг пулини олиб турдик. Октябрь ойи кириши билан бу ҳисобкитоб тақа-тақ тўхтади. Берилган ваъдаларга ишониб, юраверибмиз, денг.

— Сизлар бораверинглар. Ўзимиз юборамиз?

Ана шу ҳавойи гапга ишониб пулсиз, совғасаломсиз уйимизга қайтдик. Орадан бир йил ўтдики, ҳануз пешона теримизни — 81530 сўмни олганимиз йўқ. Шу чоққача муаллимларимиз неча марталаб «Янгиобод» жамоа ширкат хўжалиги раиси Худойқул Шомирзаевга учрашдилар. Аммо раис бува жим.

Наҳотки энди, меҳнат ҳақимизни ололмаймиз?! Биз, ўқувчиларга раис бувaнинг муруввати шуми?

Нилуфар ҚОДИРОВА,
Чаман ШОНАЗАРОВА,
Беҳзод КАРИМОВ.
жаъми 15 имзо.
Қашқадарё вилояти.

О. ВОСИХОНОВ чизган расм.

ҲАЛОЛ ЯШАШ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШ — БУРЧИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лик маҳсулотларини қайта ишлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, пулли хизмат турлари яҳши ташкил этилмаган.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларини ривожлантириш бўйича Наманган яқин йилларга қадар намунали вилоятлардан ҳисобланарди. Лекин ички имкониятлардан ва савдо майдонларидан самарасиз фойдаланиш ҳамда савдони ташкил этиш ва бошқаришдаги салбий ҳолатлар натижасида тармоқ оғир аҳволга тушди.

Чакана савдо оборотидаги нақд пул тушуми вилоят бўйича бор-йўғи 12,7 фоизни ташкил этгани ҳолда Мингбулоқ, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Чортоқ ва Чуст туманларида ҳатто вилоят кўрсаткичидан ҳам анча паст даражададир.

Яқинда Норинкапа қишлоғида бўлган эдим. Бу ерда 18 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шундан салкам 2 минг нафари умуман иш билан таъминланмаган. Шунча аҳолиси бўлишига қарамай, бу ерда ўн киши ишлайдиган атиги битта тикувчилик цехи, битта ҳаммом, тўртта косибчилик устахонаси бор.

Айтинг-чи, ишсиз юрган одамларни иш билан таъминлаш, уларга меҳнат қилиш шароитларини яратиш учун ким бош қотириши керак? Қишлоқнинг савдо шохобчалари ниҳоятда ночор аҳволда. Кўринишидан ташландиқ жойни эслатадиган дўконлар таъмирланмаган, пештахталар эса бўм-бўш. Кундалик истеъмол молларининг етишмаслиги тўғрисида халқ жиддий эътироз билдирмоқда. Бундай аҳвол на туман ҳокимини, на савдо ташкилотлари раҳбарларини ташвишлантиради. Тўғрироғи, улар савдо, таъминот масалалари билан мутлақо шуғулланмаган.

Ҳаққулобод ва Чортоқ шаҳарлари ҳамда Норин, Янгиқўрғон, Чортоқ ва Уйчи туманларида жон бошига чакана савдо обороти ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми вилоят кўрсаткичидан 1,5-2 баравар камдир.

Бунинг асосий сабаби савдо шохобчаларида харидоргир моллар камлигида, уй-жой қуриш ва таъмирлаш, кийим тикиш, транспорт, ҳаммом ва бошқа турдаги хизматлар етарли даражада йўлга қўйилмаганлигида, деб билиш даркор.

Вилоятдаги 555 қишлоқнинг учдан бирида ҳаммом, суратхона, таъмирлаш, косибчилик ва тикувчилик каби маиший хизмат турлари йўқ.

Қишлоқда иш ўринларини барпо этиш масаласи биринчи навбатда вилоят ва туман ҳокимларининг, хўжалик раҳбарларининг вазифаси бўлса-да, Косонсой ва Поп туманларида бу масалага жиддий эътибор берилмаётир. Ж. Сиддиқов саккиз йилдан буён биринчи раҳбар бўлиб ишлаётган Наманган туманида ҳам маънавий, маданий ва ижтимоий соҳаларда жиддий оқсоқлик мавжуд.

Халқ таълими соҳаси ҳам жиддий эътиборни талаб этади. Вилоятда кейинги беш йилда ўқувчилар сони 39 минг нафар кўпайди. Бу эса ўз навбатида янги мактаб биноларини, қўшимча синф хоналарини қуришни тақозо этади.

Мавжуд мактабларнинг ярмида спорт заллари, тиббиёт пунктлари ва канализация шохобчалари, уларнинг бир қисмида ҳатто ошхона, спорт майдончаси ва водопровод йўқ. 22 мактаб эса авария ҳолатидаги биноларда жойлашган.

Айни пайтда 69 мактаб, 25 болалар боғчаси қурилиши маблағ етишмаслиги сабабли тўхтатиб қўйилган.

Тиббиёт муассасаларининг фаолияти кўнгилдагидек эмас. Ўпка шамоллаши, вирусли гепатит, тиф каби оғир касалликлар, шунингдек оналар ва болалар ўлими тобора кўпайиб бормоқда.

Бу турдаги касалликлар айниқса Норин ва Наманган туманларида 1,5-2 баравар ошганлиги, оналар ва болалар ўлимининг кўплиги бу ердаги раҳбарларни ташвишга солмаяпти.

Умуман, вилоятда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш бўйича ҳукумат дастурининг бажарилиши қониқарли эмас.

Соғлом авлодни тарбиялашда эса спорт ва жисмоний тарбиянинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам биз бу борада ўзимизнинг стратегиямизни аниқ белгилаб олдик. Мазкур масалани давлат сиёсати даражасига кўтардик. Вилоятда ҳам янги спорт мажмуалари ва ўйингоҳлар қурилиши, эскиларини таъмирлаш, спорт байрамларининг ўтказилиши ва «Навбаҳор» футбол жамоасининг муваффақиятли ўйинлари аҳолининг жисмоний ва маънавий камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мен «Навбаҳор» футбол жамоасининг улкан ғалабаси — мамлакатимиз чемпиони унвонини қўлга киритгани муносабати билан барча наманганлик футбол мухлисларини самимий табриклайман.

Лекин, ҳурматли депутатлар, спорт соҳасидаги хато ва камчиликлар ютуқларга қараганда анча кўп. Жамоа хўжаликлари тасарруфидаги ўйингоҳлар ташландиқ ҳолатга келиб қолган.

Спорт мактабларида юқори тоифадаги спортчиларни тайёрлаш талаб даражасида эмас. Ўтган йил давомида вилоятда бор-йўғи уч нафар спорт устаси етишиб чиқди.

Йирик спорт анжуманларида, жумладан, 1995 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё биринчи ўйинларида атиги бир спортчи қатнашган. Атлантадаги XXVI олимпия ўйинларида эса биронта ҳам спортчи қатнашмаган. Республикада ўтказилаётган мусобақа турларининг 50 фоизи наманганлик спортчиларнинг иштирокисиз ўтмоқда.

Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда.

Аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва бурчларини теран англаши борасида вилоят матбуоти етарли даражада иш олиб бормаяпти. «Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» газеталари саҳифаларида ислоҳотлар моҳияти чуқур таҳлил этилган мақолалар ҳам, танқидий чиқишлар ҳам жуда кам.

Вилоят телерадиокомпаниясининг кўп кўрсатувлари юзаки тайёрланмоқда. Улар зерикарли. Мамлакатимиз ва вилоят ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий воқеалар ҳақида етарли ахборот берилмаяпти.

Муҳтарам дўстлар!

Инсон эътиқодсиз, иймонсиз яшай олмайди. Чунки комил ва собит эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди. Бу борада ислом дини катта аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ динга, хусусан, ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом динига кенг йўл очиб берилди. **«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»** Қонун қабул қилинди. Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам сифатида нишонлаяпмиз.

Мустақиллик давригача Ўзбекистондан ҳар йили атиги 5-6 нафар киши Макка ва Мадинани зиёрат қилар эди. Ҳозир-чи? Фақат Наманган вилоятининг ўзидан ҳар йили 700 нафардан зиёд фуқаро ҳаж маросимларини адо этмоқда. Давлатимиз бундан кейин ҳам ана шундай муқаддас сафарга бориш истагини билдирган фуқаролардан ўз ёрдамини аямайди.

Динимизга монелик қилиш, шаккоклик қилиш, динимизни юракда сақламаслик — бизнинг сиёсатимизга бутунлай зид нарсадир. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги вояга етаётган ва келажак авлодларимизда ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий ва маданий меросга садоқатни тарбиялаш, муқаддас қадриятларимизни сақлаш ва асраб-авайлаш — бу ҳам бугунги сиёсатимизнинг узвий қисмидир, маънавий бойлигимиз ва маънавий қудратимизнинг далолатидир.

Ота-боболаримиз ва бизнинг муқаддас эътиқодимиз бўлмиш ислом динининг бугунги ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, одамларимизни руҳан пок, иймонини бутун, иродасини бақувват этишдаги, одамийлик фазилатларини уйғунлаштиришдаги ҳиссасини юксак баҳолаймиз.

Худо бизга қўйган талаб битта — иймонли бўлиш, ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш. Ҳар қайси инсон қаерда бўлмасин ва қайси вазифани бажармасин, у вилоят раҳбарими, туман ҳокимими, хўжалик ёки корхона раҳбарими, оддий косиб ёки оддий деҳқонми — мартабаси ва касбидан қатъи назар, ўзини ҳаром-хариш ишлардан тийсин ва ўз жойида ўз вазифасини ҳалол бажарсин.

Ва шу билан бирга, бева-бечораларга, етим-есирларга, ночор-ногиронларга мурувватли бўлсин, оллоҳнинг ўзи буюрган фитр ва закот фарзларини бажарсин.

Халқимизда доно бир нақл бор: «Ота рози — худо рози, она рози — пайғамбар рози». Бизни дунёга келтирган азиз инсонларни қанчалик улуғласак, бу ҳам яратганимизнинг назарига тушади ва шубҳасиз, фарзандларимизнинг меҳр-оқибати сифатида яна ўзимизга қайтади.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ҳар бир инсон юртимизни обод қилишга улуш қўшиб, шу обод юртда савоб ишлари билан ўзидан яхши ном ва яхши из қолдириб, **Оллоҳ ва эл-юрт олдидаги муқаддас бурчини бажариши шартдир.**

Намангандек табаррук заминда ана шу ақидаларни гапириш ўринли ва ҳар томонлама мақбул бўлади, деб ўйлайман.

Агар шу нуқтаи назардан қарасак, бу муқаддас заминда яшаётган, истиқомат қилаётган одамларга қўйдиган талабларимиз ҳам жуда юксак бўлади. Айрим номақбул ишлар, чегарадан чиқишларни Наманган аҳли шаънига зид деб билиш керак.

Масжид — муқаддас маскан. Элга маънавий тушунчаларни тарғиб қиладиган, ёшларга тарбия берадиган, тинчлик-осойишталикни сақлаш, маърифат тарқатиш каби савобли ва хайрли ишларни амалга оширишга даъват этадиган мўътабар жой.

Бироқ, назаримизда, вилоятда масжид қуриш масаласида шўролар даврига хос эскича «кампаниябозлик» авж олиб кетганга ўхшайди. Кўп асрлик ислом тарихида **юксак маънавият даражаси масжидлар сони билан эмас, балки қавмнинг иймони ва эътиқоди бутлиги, мустаҳкамлиги билан ўлчанган.**

Наманган шаҳридаги 8 минг аҳоли истиқомат қилаётган «Иттифоқ» маҳалласида — 9 та, 7 минг аҳолиси бўлган «Зарафшон» маҳалласида — 7 та масжид бўлгани ҳолда **ана шу маҳаллалар ҳудудида биттадан мактаб бор, холос.**

Ҳашаматли масжидлар қурилишига кетган маблағларнинг бир қисмини мактаблар, маданий-маиший биноларни қурилишига сарфланса бўлмасмиди?

Бир маҳаллада 8-10 та, айрим кўчаларда бир нечталаб масжид қурилиши шартми? Яна такрорлаб айтаман: **ҳақиқий мусулмончилик фақат масжидлар сони билан ўлчанмайди. Савоб ва хайрия деган муқаддас тушунчалар жуда кенг. Бозору мозорларни обод қилиш, бева-бечораларга, муҳтож инсонларга, оилаларга, болалар ва норасидаларга мурувват кўрсатиш ҳам мусулмончилик талабларига киради. Буни асло унутмаслигимиз керак!**

Масжид мавқеи имом ва қавмнинг илму заковати даражасига қараб баҳоланади. Хўш, Наманган вилояти масжидларида аҳвол қандай?

Қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни айтишга мажбурмиз: **бугун вилоятда фаолият кўрсатаётган масжид имомларининг 7 фоизигина махсус диний маълумотга эга, холос. Афсуски, ана шунинг натижасида баъзан диний ақидалар нотўғри талқин қилинишига йўл қўйиляпти.**

Бундай номақбул ҳолатларга чек қўйилади, деб ишонамиз.

Ҳурматли халқ депутатлари!

Энди иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларидан бири бўлган **қишлоқ хўжалиги борасидаги ишлар тўғрисида гаплашиб олайлик.**

Вилоят деҳқонлари кейинги 2-3 йилда дончилик, пахтачилик ва чорвачилик соҳасида жиддий оқсамоқдалар. Бунинг асосий сабаби шуки, вилоятда қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш тизими ислоҳотлар, бозор муносабатлари талаби асосида ташкил қилинмаяпти. Ҳар қадамда расмиятчилик, бепарволик ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Йил бошида ҳар бир тумандан биттадан хўжаликни ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ҳақида баландпарвоз, умумий ваъдалар берилди, бироқ етарли даражада амалий иш қилинмади.

Агар деҳқоннинг қўлида хўжалик ихтиёрида бўлган бойлик — фондлар, меҳнат қуроллари, ернинг соҳиби сифатида ўз ҳиссасини белгиловчи ҳужжати бўлмаса, ўзининг улуши қанчалигини ва қанчалик яхши ишласа ўз пайига мувофиқ кўпроқ даромад олишини билмаса, унда мулкка муносабат ўзгармайди.

Вилоятда уруғчиликка, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга етарли эътибор йўқ. Замонавий техника, технология ўзлаштирилмаяпти, ўғит ва сувдан самарали фойдаланилмаяпти.

Бу йил пахтанинг пишиб етилиши 20 кун орқада қолди. Унинг асосий сабаблари баҳорда чигитнинг кеч экилганида, минерал ўғитларнинг ўз вақтида ва талаб этилган миқдорда берилмаганида, коллектор ариқлар тозаланмаганлиги оқибатида ер ости сувларининг кўтарилиб кетганида, ғўзанинг агротехник тадбирлари тўлиқ ўтказилмаганида. Умуман ишга лоқайдлик, масъулиятсизлик билан қаралишда. Жонкуярлик, янгиликка интилиш, изланиш ва тадбиркорлик йўқлигида, деб биламан.

Мамлакатимизда **дон мустақиллиги**га эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга вилоят ғаллакорлари ҳам ўз улушларини қўшиб келмоқдалар. Аммо, жорий йилда ғалла етиштириш режасининг 79 фоиз бажарилгани ва ғалла ҳосилдорлигининг режага нисбатан 9 центнер камайгани вилоятда уруғчиликка, ғалла етиштириш технологиясига етарлича эътибор берилмаётганини кўрсатади.

Ачинарли бир мисол: Чуст туманида 1700 гектардаги ғалла эрта баҳорда қайта экилди. Натижада, туманда суғориладиган ердан ғалла ҳосилдорлиги атиги 17 центнерни ташкил этди.

Вилоятда кейинги йил ҳосили учун бошоқли дон уруғи жамғариш топшириғи атиги 54 фоиз бажарилди. Ғалладан бўшаган майдонларда эса такрорий экинлар экиш топшириғи барбод бўлди. Натижада чорва озуқасини жамғаришда талайгина муаммоларга дуч келинмоқда.

Чорвачилик соҳасидаги ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда. Вилоят бўйича барча турдаги хўжаликларда гўшт сотиш топшириғи 82, сут — 58, тухум — 63 фоиз бажарилган, холос.

450 та хўжаликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сигирлар ва қўй-эчкилар сони ўртача 15 фоиздан ортиқ камайганлиги натижасида гўшт ва сут етиштириш ўртача 30 фоиз камайиб кетган. Наманган, Норин ва Чуст туманларида эса чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1,5-2 баравар камайган.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган муносабат ва ундан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Мавжуд техникаларнинг 40 фоиздан ортиғи ишга яроқсиз ҳолатга келган. Уларнинг аксарияти эскирган. Эҳтиёт қисмлар етишмайди. Кейинги уч йилда атиги 6 фоиз янги техника сотиб олинган, холос.

Табиий савол туғилади, агар ернинг унумдорлиги, экиннинг ҳосилдорлиги, чорванинг маҳсулдорлиги оширилмаса йилига 2,7 фоиз кўпаяётган аҳолининг таъминоти нима бўлади?

Йирик 148 та саноат корхонасидан 17 таси ишлаб чиқариш ҳажмини 405 миллион сўмга камайтириб юборди. Тўрақўрғон тумани «Ширинлик комбинати», «Шоҳи сўзана» бадиий буюмлар фабрикаси, Учқўрғон йигирув-тўқув акционерлик жамияти фаолияти мутлақо қониқарсиздир.

Вилоят саноатининг етакчи соҳаси ҳисобланган **енгил саноат корхоналарида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга камаймоқда.** Ишчилар сони кескин қисқармоқда. Айниқса Ҳаққулобод йигирув-тўқув акционерлик жамияти, Наманган шойи ишлаб чиқариш, «Атлас», Чуст «Чевар» акционерлик жамиятлари бир неча йилдан буён ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб келаётганликлари ҳеч кимни ташвишлантирмаяпти.

Раҳбарият эса корхона бошлиқларини алмаштириш билан овора. Жумладан, Наманган шойи ишлаб чиқариш корхонасида сўнгги 2 йилда учта раҳбар алмашгани ва кейинги раҳбар ҳам ишни янги хизмат машинаси сотиб олишдан бошлагани ва самарали фаолият кўрсатмаётгани кадрлар танлашдаги шошма-шошарлик эмасми?

Бир вақтлар бу корхоналарда 20 мингдан ортиқ киши ишларди. Ҳозир улар сони тенг ярмига қисқариб кетган. Чунки ишлаб чиқариш кескин камайди. Қишлоқ жойларида очилган филиаллари тўхтаб қолди. Маҳсулот бозори касод бўлмоқда.

Корхоналар омборлари ва савдода туриб қолган товарлар кўринишидаги ўлик капитал миқдори 1,3 миллиард сўмга етди. Бунинг учун ким жавоб беради? Нега халқ мулкига бефарқ қараймиз?

Наманган кимё заводи ишлаб чиқариш ҳажмини 58 фоиз пасайтириб юборган. Сентябрь ойида эса завод умуман ишламаган. Корхона раҳбарлари ҳамон боқимандалик кайфияти билан яшаб, фондлар, ҳар хил лимитлар, имтиёзли кредитлар ундиришга умид боғлаб юрибди.

Наманган вилоятида 56 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган. Лекин улардан фақат 35 таси фаолият кўрсатяпти. Шунинг учун ҳам учдан бир қисмигина ишлаб чиқариш билан шуғулланаётгани ташвишли ҳолдир.

Жорий йилда вилоятда республика ҳукуматининг кафолатланган банк кредити ҳисобига 81 миллион АҚШ доллари ҳажмида чет эл инвестицияси ўзлаштирилиши керак. Аммо бу маблағларни тезроқ ўзлаштиришга, улардан самарали фойдаланишга жиддий эътибор берилмаяпти.

Моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғини — қурилиш мажмуида қурилишда бажарилган пудрат ишлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Норин, Наманган, Чуст туманларида, Косонсой ва Учқўрғон шаҳарларида 70—80 фоизга тушиб қолган.

Вилоятда капитал маблағларни кўпроқ корхона, ташкилот ва хўжаликлар ҳисобидан ўзлаштиришга эътибор берилмаяпти. Баҳона битта — пул йўқ. Маблағ йўқ. Қачонгача бюджет маблағларига кўз тикиб ўтирамиз?

Аҳолиси зич жойлашган Учқўрғон шаҳри, Норин, Тўрақўрғон ва Чортоқ туманларида якка тартибдаги қурилишлар бўйича топшириқлар бажарилмай келаётир. Бунинг асосий сабабларидан бири — аҳолига қурилиш материаллари сотиш қониқарсиз ташкил этилганлигида. **Натижада аҳоли лой-пахсадан, гуваладан уй-жой қурмоқда. Қурилаётган биноларнинг эса кўримсиз, ҳеч қандай меъёрий ҳужжатларга мос келмайди.**

Бир вақтлар вилоятда йилига 150 миллион дона пишиқ ғишт чиқарадиган заводлар бор эди. Қани ўша заводлар? Қани мамлакатимизга довруғи кетган Наманганнинг ўзига хос меъморчилик анъаналари?

Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Наманган шаҳридан бир машина ғиштни Норинга олиб келиш учун 2 минг сўм йўл ҳақи тўланса, Норинда ғишт заводи бўлмаса, аҳоли қандай қилиб пишиқ ғиштдан уй қурсин?

Маълумки, **давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида** Наманган вилоятида мўлжалланган асосий кўрсаткичлар бажарилаётган бўлса-да, мавжуд 323 та акционерлик жамиятларида акциялар чиқариш ва сотишга етарли эътибор берилмаяпти.

Жорий йилда акция сотиш режаси Тўрақўрғон тумани, Чортоқ, Косонсой, Чуст ва Ҳаққулобод шаҳарларида ўртача 40 фоиз бажарилган, холос.

Миллионлаб сўм давлат маблағининг ҳаракатсиз «ўлик» сармоя бўлиб қолишига сабаб бўлаётган 200 та қурилиши тугалланмаган бинолардан атиги 9 таси «ким ошди» савдосида сотилганини қандай баҳоламоқ керак?

Наманган вилоятида эмиссия салмоғини пасайтириш, ўзаро ҳисоб-китобларни мустаҳкамлаш, тўлов интизомига қатъий риоя этиш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни ташкил этиш талаб даражасида эмас.

Маҳаллий бюджетнинг даромадлар режаси 103,5 фоиз бажарилган бўлсада, солиқнинг уч тури бўйича 61 миллион сўм кам маблағ тушди. Шу йил мобайнида бюджетга солиқдан тушмаган тўловлар 1,6 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Вилоят бюджетининг харажат қисми 105,6 фоизни ташкил этиб, 228 миллион сўм маблағ ортиқча сарфланди. Лекин болали оилаларга нафақага ажратилган маблағ атиги 32 фоиз ўзлаштирилганлиги ёки Наманган туманида умуман нафақа берилмаганлиги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга зид эмасми?

Вилоятда шу йилнинг 9 ойида эмиссия ҳажми 2,6 марта ўсди. Айниқса Норин, Поп, Чортоқ, Учқўрғон, Мингбулоқ, Чуст, Янгиқўрғон туманларида аҳвол яна ҳам аянчли.

Хўжалик субъектлари томонидан касса интизомининг бузилиши, яъни тушумни банкка топширмай, кўзда тутилмаган мақсадларга сарфлаш ҳоллари кўпаймоқда.

Корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамида маблағ бўлмаслиги ва улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг барқарор эмаслиги ҳамда пул муомаласидаги нуқсон ва камчиликлар натижасида иш ҳақи ва тўловлар ўз вақтида берилмаётир.

Азиз биродарлар!

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоятда умумий жиноят сони 8 фойиз камайган. Ўта оғир жиноятлар 24 фойиз, оғир жиноятлар сони 6 фойиз, оғир шикаст етказиш ҳолатлари 15 фойиз озайган. Ўтган йилнинг 9 ойида милиция жиноий-қидирув жараёнида жиноятларни очиш даражаси 88 фойизни ташкил этган бўлса, бу йилнинг шу даврида 91 фойизга кўтарилган.

Албатта, бу рақамлар ҳуқуқ-тартибот органларининг саъй-ҳаракатидан дарак беради. Аммо уларга жиддий эътирозларимиз ҳам бор.

Намангандек хулқ-атвори юксак элда номуса тажовуз этиш ҳолларининг 39 фойиз, товламачилик 31 фойиз, фирибгарлик 15 фойиз ошганини қандай баҳолаш мумкин?

Бу турдаги жиноятлар айниқса Наманган шаҳри, Косонсой, Наманган, Поп ва Уйчи туманларида кескин ошди. 309 та иқтисодий жиноят аниқланиб, 218 киши, жумладан, 41 киши порахўрлик учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Республика прокуратураси текширишлари натижасида биргина Норин туманида бир неча ашаддий қонунбузарликлар аниқланди ва 14 та жиноий иш қўзғатилди.

Вилоят ва туман судларининг фаолиятига ҳам эътирозлар кўп. Масалан, илгари 7 марта судланган фуқаро Г. Пак ноқонуний равишда тўппонча, милтиқ ва ўқ-дорилар олиб юргани ҳамда наркотик моддаларни сақлагани учун Мингбулоқ тумани суди томонидан атиги 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Аксинча, Наманган шаҳар суди бир жуфт калиш ўғирлагани учун фуқаро К. Раҳматовга қамоқ жазоси берган. Давлатобод туман суди эса иккита аёллар кўйлагини ўғирлагани учун Г. Йўлдошевани 5 йилга озодликдан маҳрум қилган.

Демак, қисқа вақт ичида вилоятда 4 нафар судья, шундан иккитаси порахўрлиги учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳам тасодиф эмас экан! Қани судларнинг одиллиги?

Кейинги уч йил ичида 66 нафар милиция ходими жиноий жавобгарликка тортилди. 120 ходим эса ишдан бўшатилди. Норин тумани ички ишлар бўлими давлат автомобиль назорати бўлинмаси бошлиғи А. Эшонбобоев, Поп тумани судьяси З. Ҳайдаровалар пора олганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Муҳтарам дўстлар!

Жамиятимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан покланиши, ислоҳотларнинг тақдири, халқимизнинг фаровонлиги биринчи навбатда раҳбар кадрларнинг малакасига, фидойилигига, юртпарварлиги ва имону эътиқодига боғлиқ.

Албатта, ҳар бир сайланаётган ва тайинланаётган раҳбарга халқ жуда катта умид ва ишонч билан қарайди.

Раҳбар сайланаётган пайтда, албатта, энг биринчи навбатда, унинг ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлиги, мутахассислиги, малака ва савияси эътиборга олинади. Ижтимоий ҳолат варақасига бир қарасак, сайланаётган ёки тайинланаётган раҳбарларимизнинг аксарияти бу талабларга тўлиқ жавоб беради. Аммо бу масалада биз иккинчи томонга ҳам жиддий эътибор беришимиз керак.

Бу муҳим савол шундан иборатки, раҳбар лавозимига, курсисига ўтираётган одамнинг иродаси бақувватми, имони бутми, керак бўлса, ўз манфаатини бутунлай унутиб, бошқаларнинг манфаати, юрт фаровонлиги учун ҳаловатидан воз кечиб, бутун кучини, бутун борлиғини бахш этишга, фидо этишга тайёрми ёки тайёр эмасми?

Айтинглар, азиз дўстлар, бу улуғ мезонни қайси тарозуда ўлчаш мумкин?

Тажриба кўпинча шуни кўрсатадики, янги тайинланган раҳбар аввал бир йил иш ўрганади, одамларни ўрганади. Яна бир йил баҳолиқудрат ишлайди, ҳаракат қилади. Афсуски, ана шундан кейин, ўзини озгина ушлаб олганидан кейин, бели бақувватгина бўлиб қолганидан кейин, бола-чақани жойлаштириб, яна етти пуштига етадиган мол-бойлик тайёрлаб қўйганидан кейин, қарабсанки, раҳбарнинг ўзиям чақнамайди, кўзиям чақнамайди, ҳаракатлари суст, ишга ҳафсалалари йўқ, қисқача, содда қилиб айтганда, «оқсоқоллик гашти»ни суриб, шунчаки «ҳорманг! — бор бўлинг!», деб юрадиган бўлиб қолади.

Яъни, энди бу одамнинг гўёки иши битган, эшаги лойдан ўтган. Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак, деган шиоримиз, даъватимиз, бундай одамнинг қулоғига жуда узоқдан эшитиладиган ноаниқ бир садога айланади.

Очиқ айтишимиз керак: ҳам вилоят, ҳам туман, ҳам хўжалик раҳбарлари орасида мана шу касалликка мубтало бўлганларни учратиш мумкин.

Бу дардга қандай даво бор? Унга қарши қандай дори-дармон топиш мумкин?

Албатта, авваламбор, бу борада давлатимиз қонунчилиги, ҳисобот тартиби, жавобгарлик масъулияти ўз таъсирини кўрсатиши керак.

Лекин бу касалликнинг энг катта ва энг таъсирчан шифоси борки, **бу — жамоатчиликнинг доимий назоратидир.**

Ҳали иситмаси чиқмасдан туриб, раҳбарнинг биз айтган дардга чалинганини ким биринчи бўлиб сезиши мумкин?

Албатта, унинг атрофида яшаётган ва меҳнат қилаётган жамоа, жамоатчилик. Лекин мен биламанки, буни ошкор қилиш, керакли шошилинч чора-тадбирларни кўриш, аччиқ бўлса-да, раҳбарнинг юзига ҳақиқатни очиқ гапириш, афсуски, негадир бу тартиб бизнинг одатимизга кирмаган.

Бундай тартиб, яъни касалликнинг олдини оладиган таъсирчан тартиб, минг афсуски, ҳаётимизда жуда кам учрайди. Агар бу касаллик қандай хунук оқибатларга олиб келишини англаган ҳолда тўғри гапиришга журъат этувчи одамлар пайдо бўлса, билиб қўйингки, бундай бечораларнинг боши қалтакдан чиқмайди. Ношуд раҳбарнинг хушомадгўйлари, лаганбардорлари рост гапни айтган одамнинг ҳолини вой қилади.

Натижада тўғри ва ҳалол гапирадиган одамнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлади, у ҳам кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш йўлига ўтади.

Биз **андиша, ўзбекчилик, мусулмончилик** деган эзгу тушунчаларни ўзига ниқоб этган ана шу қусурдан бутунлай ҳоли, бутунлай халос бўлишимиз керак. Андиша ўз йўли билан, лекин инсон энг аввало журъатли ва жасур бўлиши лозим. Дард яширилса, оқибати ёмон бўлади, мадда бойлаб кетади. Ўз дардимизни ўзимиз ошкор этишимиз, ўз вақтида чора топишимиз, тузатишимиз, бу ҳар кунлик оддий одатимизга айланиши зарур.

Очиқ айтиш керакки, вилоятда кадрларни шошма-шошарлик билан, тадбиркорлик, ташаббускорлик, касбий ва ахлоқий сифатларини чуқур ўрганмаган ҳолда юқори лавозимларга қўйиш ҳоллари мавжуд.

Шу боис ўтган бир йилу тўққиз ой мобайнида вилоят ҳокими ўринбосарлари ва туман, шаҳар ҳокимларидан саккиз нафари ўз вазифасидан озод этилдилар. Жумладан, Чортоқ шаҳри, Чуст тумани собиқ ҳокимлари А. Ҳожиев ва Р. Муртазоев ўз хизмат вазифаларига ўта бепарволик ва масъулиятсизлик билан қараганлар. Улар суиистеъмолликлар ва қонунбузарликлар учун ҳибсга олинган.

Вилоят халқ депутатларидан беш киши, шу жумладан, Мингбулоқ тумани, Ҳаққулобод шаҳар собиқ ҳокимлари И. Собиров ва Х. Мелибоев жиддий камчиликлари учун ўз вазифаларидан бўшатилдилар. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Б. Абдуғаниев, Ю. Собиржонов ва А. Султонов ҳам худди шундай нуқсонлари учун ўз лавозимларидан озод қилиндилар.

Кадрларни лавозим билан «сийлаш» оқибатида Мингбулоқ, Норин, Чортоқ, Уйчи ва Давлатобод туманлари ҳамда Ҳаққулобод шаҳрида ҳар йили 25-30 фоиз раҳбар кадрлар алмашган.

Муҳтарам дўстлар!

Биз муқаддас заминда яшаяпмиз. Бу азиз тупроқда не-не улуғ аждодларимизнинг, пиру авлиёларнинг ҳоки бор. Уларнинг руҳи бошимизда чарх уриб кезмоқда. Бугун биз ана шуларнинг армонларини амалга оширишга, келгуси авлодга ўзимиздан ибратли ишларни мерос қолдиришга қарор қилганмиз. Энди бу йўлда ҳаммамиз бирлашиб ҳаракат қилмоғимиз, бир ёқадан бош чиқариб, умумий ҳонадонимиз — Ўзбекистон келажаги учун курашмоғимиз лозим.

Наманган халқи бу орзу-умидларнинг қадриятини яхши тушунади. Уни эъзозлайди. Бунга ишончим комил. Чунки бу халқ азалдан ўзининг юксак ахлоқ-одоби, бой маънавияти, беқиёс имон-эътиқоди билан ўрнак бўлиб келган халқ. Энди, азиз дўстлар, ана шу асрлар мобайнида тўплган қадриятларимизни янада бойитиб, бутун куч-қувватимизни, тажрибамизни миллат ва мамлакат равнақига сафарбар этайлик.

Ана шунга эришсак, вилоятнинг ҳам, мамлакатнинг ҳам, халқимизнинг ҳам келажаги буюк бўлиши шубҳасиздир. Иншооллоҳ, яратганнинг ўзи бизнинг бу улуғ орзуларимизнинг амалга ошишига мададкор бўлгай.

Барчангизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизга омад тилайман.

Хорижда

ХОРВАТИЯ ЕВРОПА КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛДИ

Хорватия Европа Кенгаши аъзолигига қабул қилинди. Шу муносабат билан, Президент Франьо Тужман Хорватия халқига мурожаат қилиб, ўз давлатининг АҚШ, бир қанча Европа давлатлари, шунингдек, Россия ва Хитой билан дўстона муносабатлар ўрнатганини таъкидлади ҳамда Хорватияни Европа интеграцияси ва Шимолий Атлантика хавфсизлик тизимига киритиш йўлида куч-ғайрат сарф этишга ваъда берди.

БУТРОС ҒОЛИЙ ДАЪВАТИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Ғолий расмий баёнот эълон қилиб, Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал этиш масалаларига бағишланган ҳалқаро конференция ўтказишга даъват этди. Унга мазкур минтақадаги давлатлар, «Афғонистонга ўз таъсирини кўрсата оладиган» мамлакатлар ва Ислом конференцияси ташкилоти вакиллари таклиф қилинган.

Б. Ғолийнинг матбуот билан алоқалар бўйича вақили Силвана Фоанинг маълум қилишича, анжуман 18 ноябрь куни БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида ўтказилади.

ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ОРТАДИ

Туркия билан Эрон ҳукуматлари ўртасида Туркия-Эрон газ қувурини қуриш муддатини мувофиқлаштириш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Мазкур ҳужжат шу йилнинг август ойида имзоланган Туркиянинг Эрондан табиий газ сотиб олиши тўғрисидаги шартноманинг давомий қисмидир. Шартномага мувофиқ 1998 йилдан 2005 йилгача Туркияга дастлаб 3 миллиард, кейинчалик эса 10 миллиард куб метргача ҳажмда газ етказиб берилади.

Шунақасиям бўлади

ОМАД КУЛИБ БОҚҚАНДА...

Жанубий Королинанинг Гринвилл шаҳрида тақдир сийлаган болакай яшайди. У Тирон Гриссамдир. Тақдирнинг эркатойи бўш вақтини телереклама лар кўриш, конкурслар ҳақидаги хабарларни ўқиш билан ўтказарди. Ота-онасининг айтишича, Тироннинг аслида бу бўш вақтида шуғулланадиган эрмагимас, балки асосий машғулоти — совринга автомобиль қўйилган хабарларни йиғиш экан.

Болакай сўнгги уч йил ичида жами 250 та конкурсда иштирок этди. Олти марта ғолиб бўлди. Бу ахир 6 та машина дегани-я! «Мустанг», «Тойоту-Камри», «Жип Вранглер», Тойоту МХ-3", «Тойоту-Привиа-фургон» ва ниҳоят «Додж-Шедо»!

Ҳозирча Тирон уларнинг бирортасиниям минолмайди. Мавжуд қонунга кўра 15 ёшдагина автомобиль ҳайдаш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳали унга уч йилча бор. Лекин у ҳамма русумдаги автомобилларни ҳеч қийналмай бошқара олади.

Вернон ва Жун Гриссамлар ўғлининг фавқулодда истеъдодлигидан кўра фавқулодда омадлилигига кўпроқ ишонишади. Баъзан эса ота-онасининг кўзини шамгалат қилган Тирон ҳовлида машиналарида «учади».

Болакайдан «кўпроқ нимани яхши кўрасан, машиналарингними ёки ота-онангними?» деб сўрашса «Иккивиниям! Тўғриси, ҳаммадан кўра тезроқ катта бўлишни яхши кўраман!» дейди.

Тирон ҳали ҳайдовчилик ҳуқуқини олгунча неча бор совриндор бўлиши мумкин. Омад кулиб боққан болакайдан ҳеч ким у кетмасин. У бундай сийловга жуда муносиб.

Машҳурлар ҳаётидан

ЁН ТОМОН ҲУЖУМЧИЛАР

Питтсбург, Жаҳон футбол тарихида «Рейзори» командасининг ўзигагина хос услуби, урни бор. Навқирон 11 нафар йигит ака-ука, биродардек ҳаммаслак эди. Улар мактабни битириб, Пенсильваниянинг шарқий қисмидаги пўлат қуйиш заводига ишга киришди.

Йигитлар футбол командаси тузишди. Довруғи оламга ёйилган ўша машҳур футбол командаси шу тариқа иш бошлади. Завод уларни уст-бош, спорт анжомлари, чет элларга сафар харажатларини қопларди.

«Рейзори» йигитларининг ўз ўйин услуби — ён томондан шиддатли ҳужумга ўтишар, натижада кетма-кет «гол» уришарди.

Айниқса, Огайо ва Мичигандаги 1912-1915 йиллардаги учрашувлар Америка футбол тарихининг зарварақларидан жой олган. Ён томон ҳужумчилар рақиб командани ўзиям 36:0 га ютганди-да! Бунақаси камдан-кам бўлади.

Ён томон ҳужумчилари кўплаб хорижлик футболчиларни доғда қолдиришарди. Ўйин майдонида мураккаб бўлмаган комбинация ясашарди-да, ён томонга зарба беришарди. Шон-шуҳрат чўққиси... Улар машҳур бўлиб кетишди.

Афсус биринчи жаҳон уруши футболчилар ҳаётини ҳам издан чиқарди. Улар бугунги Америка миллий футбол командасига асос солиб кетишди. Ҳужумкор йигитлар ўша тарихий ўйин тугагач, эсдалик учун суратга тушишди. «Биз оламдан ўтгач ҳам қабрларимиз ҳудди шу тахлитда ёнма-ён турадик!» Биз у дунёда ҳам шундай «ўйнаймиз!» қасамёд қилишганди улар.

Орадан 80 йилдан ортиқ вақт ўтди. Команданинг сўнгги ўйинчиси Мелвин 104 ёшида вафот этди. У ҳамма йигитларнинг руҳини шод этди... Сафдошларининг жасадини ёнма-ён қўйиб чиқди... Худди футбол командасидагидек. Охирги қабр эса очиқ қолди.

Мелвинни футбол ишқибозлари ўша очиқ қабрга дафн этишди. Энди команда «бут» бўлди.

Уларнинг васияти руёга айланди. Машҳурларнинг ҳаммаси ҳозир ёнма-ён, қабрлари туташ, худди суратдагидек.

Ислоҳот ва манфаат

БОЗОРДА ТУШУМ ИККИ КАРРА ОШДИ

Мамлакатимиз Президентининг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан сўнг пойтахтимиздаги мавжуд бозорлар қурилишига жиддий эътибор қаратилди. Натижада мустақиллигимизнинг беш йиллиги шодиёналари арафасида Миробод ва Бектемир бозорлари очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларининг янги бинолари ишга туширилди. Бу билан ҳаридорларга хизмат кўрсатиш яхшиланди. Бозорлардан тушадиган кунлик тушум ошди.

Биргина «Бектемир бозори» (Қўйлиқ) очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидан илгари кунига 50 минг сўмга яқин тушум тушган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 130 мингдир. Албатта, шу ўринда бозор маъмуриятининг деҳқонларга яратиб бераётган шарт-шароити, керак бўлганда вилоятлардан келаётганларни ҳимоя қила олишини айтиб ўтиш жоиз. Бозор қошидаги меҳмонхона ва овқатланиш мажмуининг ишлаётгани ҳам муваффақиятлар омили бўляпти.

Жамият раиси Турсун Икромовни доимо оқ халатда деҳқонлар атрофида учратасиз. Камтар, аммо масъулиятни ҳис қиладиган раҳбар қарийб йигирма йилдирки, пойтахт бозорларида ҳисобчи, бош ҳисобчи директор вазифаларида ишлаб катта тажрибага эга бўлди. Бу ҳақда «Тошкентбозорсавдо» бошқаруви акционерлик жамиятлари уюшмасининг мутасаддилари ҳам илиқ фикрларни билдирди.

«Бектемир бозори» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қошида савдо харид корхонаси ишлаб турибди. Корхона аъзолари бозорда маҳсулотларини сотиш имконияти йўқ деҳқонларга хизмат кўрсатади. Шунингдек, бу ерда Бектемир тумани солиқ инспекцияси ва ветеринария лабораториялари билан ҳам ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Натижада бозорда чайқовчи-олибсотарлар кўпайиши ва истеъмол учун яроқсиз маҳсулотлар сотилишига чек қўйилмоқда. Ҳиссадорларга туман ички ишлар бўлими ходимлари керакли ёрдамни берса, кунлик тушум янада ошади. Чунки, кўпчилик олибсотарлар молларини бозорнинг ташқарисида сотишга уринмоқда.

— Аввало, мумкин бўлса «Тошуйжойқурилишинвест» га қарашли 6-қурилиш бошқармаси бунёдкорларига, қурилишни бевосита назоратига олган Тошкент шаҳар ҳокимлигига миннатдорчилик билдирмоқчи эдим, — дейди жамият раиси Турсун Икромов. — Қолаверса, бугунга келиб бозорнинг иккинчи навбатини, автошоҳбекат ҳамда чорраҳада ер ости ўтиш жойини қуриш мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, Турсун аканинг гапларида жон бор. Қўйлиқ ота руҳи қўллаганми, бозор файзли. Пойтахтнинг бошқа бозорларига қараганда маҳсулотлар нархи арзон. Шу боис ҳам ҳудди шундай кўринишдаги янги бозор қуришга эҳтиёж сезиляпти. Бу борада лойиҳалар тайёрланаётганлигини эшитиб, бу муаммо яқин ўртада ўз ечимини топишига ишонч ҳосил қилдик.

Яна бир гап. Келгусида Бектемир туманига троллейбус қатновининг йўлга қўйилиши, бозорнинг Фарғона водийсидан келадиган деҳқонларга қулайлиги ҳам катта имкон яратади. Пировардида ҳиссадорлар Зангиота тумани «Мустақиллик» жамоа корхонаси, Паркент туманининг «Гулбоғ» халқ корпорацияси, «Қорасув» жамоа корхонаси ва «Чанги» жамоа хўжалиги билан шартномалар тузишган. Аҳдлашувларнинг ижобий натижаси боис қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари келиб турибди.

Ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси Рустам Норқобилов ҳисоботига кўра, октябрь ойида 2 млн. 600 минг сўм ўрнига 2 млн. 798 минг сўм топширилган. Акциялар сотуви ҳам чаққон.

Ҳиссадорлар нафақат акциялардан келгусида яхшигина дивиденд олиш мумкинлигини, балки ишни юқори савияда ташкил этиш, озодаликка эътиборни қаратиш харидор ва сотувчини бозорга чорлаш учун қулай имконият эканлигини тушуниб етяптилар. Демак, имконияти кенг бозорнинг ютуқлари янада кўпаяди. Манфаатдорлик ҳам ошаверади.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КУЗ ВАҚТИ.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Спорт

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Самбочи йигитларимиз Японияндан ёруғ юз билан қайтдилар. Токиода ўтказилган йигирманчи жаҳон чемпионатида ўттиз мамлакатдан келган самбочилар ўзаро беллашдилар. Таниқли полвон Бобомурод Файзиев бошчилигидаги терма жамоамиз умум ҳисобда фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Биринчи ва иккинчи ўринлар Россия ва Украина жамоаларига насиб этди. Мусобақада бухоролик Шуҳрат Хўжаев олтин, унинг ҳамшаҳри Ботир Хўжаев бронза, тошкентлик Муҳаммаддўст Тошев кумуш медаль олишди.

ҲАММА ЎРНИНИ ТОПДИ

Мамлакатимизда футбол мавсуми якунланди. Лекин футбол ўйинлари давом этади. Эртага Тошкентдаги МХСК ўйингоҳида биллур соврин — Ўзбекистон кубоги учун «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ўртасида хал қилувчи учрашув бўлади. Гарчанд муддатидан олдин мамлакат чемпионати совриндорлари аниқланган бўлсада, мухлислар якунловчи ўйинларга эътибор қаратдилар. Боиси, олий табақа билан хайрлашувчи яна бир жамоанинг ўрни номаълум эди. Ишқибозлар АСК жамоасидан умидларини узиб қўйишганига анча бўлганди. Зеро, олий табақадаги ўз ўрнини сақлаб қолишга астойдил уринаётган «Динамо» (У) ва «Машъал» жамоаларининг тақдири эса сўнгги ўйинларга боғлиқ бўлиб қолувди. Динамочиларнинг омадлари юришмади. Улар МХСК майдонида 3:5 ҳисобида имкониятни бой беришди. «Машъал» эса «Нурафшон» футболчиларини қабул қилиб (4:0) ўз ўрнини сақлаб қолди.

ЎЙИНЛАР ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ

	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Навбаҳор»	**23**	**5**	**2**	**88-23**	**74**
«Нефтчи»	**23**	**3**	**4**	**72-30**	**72**
МХСК	**18**	**8**	**4**	**80-41**	**62**
«Дўстлик»	17	4	9	52-38	55
«Нурафшон»	15	5	10	52-39	50
«Пахтакор»	15	3	12	50-30	48
«Трактор»	12	7	11	46-43	43
«Наврўз»	11	8	11	44-51	41
«Атласчи»	11	3	16	48-62	36
«Динамо»(С)	11	1	18	36-46	34
«Янгиер»	10	3	17	43-55	33
«Сўғдиёна»	9	5	16	42-58	32
«Косонсой»	9	3	18	32-61	30
«Машъал»	8	4	18	28-64	28
«Динамо» (У)	**8**	**3**	**19**	**36-67**	**27**
АСК	**40**	**7**	**19**	**29-70**	**19**

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 Лирик тароналар.
9.00 Футбол шарҳи.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ тадбиркорлари».
10.25 «Нафосат шайдолари». Кинодастур.
11.00 Ҳ. Имомбердиев. «Сирли ҳарфлар ороли». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.50 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.20 «Тилла тиш». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.30 «Мозийдан садо».
18.45 Дилнавоз садолар.
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Мусиқий хазина. «Феруз».
21.50 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
22.10 «Бу оқшом...»
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Хобби-холл». Қизиқарли дастур.
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.55 «Спорт қитъаси».
23.35 — 00.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Зигфрид ва Рой афсунгарлиги». Дам олиш дастури.
19.00 «Қишлоқда байрам». Телефильм.
*
Россия жамоат телевиденеиси
19.10 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Хотирамиздаги шаршара». Телефильм.
*
Россия давлат телевиденеиси
22.40 — 23.15
*
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.25 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Умид».
19.40 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
19.50 «Авторейд».
20.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.20 Эълонлар.
20.25 «Мафтунингман». Бадиий фильм.
21.55 «Спорт-тайм».
22.25 «Қуйла, Санобар». Мусиқий кўрсатув.
22.45 «Шлягер».
23.00 Эълонлар.
23.05 «5+1».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Буюк Ипак йўли. Нурота».
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Инглиз тили.
11.00 Она тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.
*
12.00 Дутор ва танбур тароналари.
12.30 «Дастлабки тергов». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.25 «Қутлов». Болалар учун қизиқарли дастур.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари».
18.30 Юртим жамоли.
18.40 «Пахтакор» қалдирғочи». Акмал Азизхўжаев.
19.00 «Юксалиш». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дурдона».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Оҳанглардан таралган меҳр.
21.40 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
22.20 «Альманах-ТВ».
22.55 «Замон».
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.05 «Мультфейерверк».
19.15 «Олтин кент».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 «Дойче Велле» намойиш этади.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50—00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Келгиндилар». Илмий-оммабоп кўрсатув.
19.00 «Билдирсой». Телефильм.
*
Россия жамоат телевиденеиси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
19.10 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Олга, Аргамак». Телефильм.
*
Россия давлат телевиденеиси
22.40 — 23.10
*
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 Шифокор билан мулоқот.
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Янги иқтисод».
21.15 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
21.45 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
22.00 «ТВ IV да «Немис тулқини».
22.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.00 «Жилет-спорт».
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Устоз ва шогирд». Ўзбекистон халқ артисти Раҳима Мазоҳидова ва Хурсаной Қодирова.
8.55 «Дурдона».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Изланишлар самараси».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Табиёт.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 «Ассалом, япон тили!».
*
12.10 «Ўсмир ва қонун».
12.30 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.40 «Альманах-ТВ».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гуллармиз».
18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир...».
18.30 «Замон билан ҳамнафас».
18.45 «Рангин дунё».
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Менинг ҳам ўз созим бор...»
21.45 «Узбекенгилсаноат» тақдим этади...
21.50 «Автоолам».
22.00 «Талқин. XX аср».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бокс. Сидней Львович Жаксон хотирасига бағишланган халқаро турнир. Ярим финал.
00.40 Тунги тароналар.
00.55—01.05 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дойче Велле» намойиш этади.
21.30 «Дриблинг».
21.55 «Юлдузли механика».
22.35 «Спорт қитъаси».
23.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.40 — 00.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Марк Твен қарши». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевиденеиси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
19.10 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Гузал ўлка». Телефильм.
*
Россия давлат телевиденеиси
22.50 — 23.25
*
23.25 «Шоҳсупа сари йўл».
24.00 — 00.05 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Ирендэк»
19.35 «Ер шари».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Кафолат».
20.30 «ТВ IV канали эксклюзиви».
21.00 «Тошкент оқшомида».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Мезон».
22.00 «Гулдаста».
22.20 Эълонлар.
22.25 «Тошкентнома».
22.55 «Қалб тароналари». Мусиқий дастур.
23.25 «Бу ажиб дунё».
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Гроссмейстер Сайдали Йўлдошев.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 Кимё.
*
12.00 «Кичкинтой» устахонаси.
12.30 «Буни умр дерлар». Телеочерк.
12.45 «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.35 Мумтоз ашулалар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта танаффус».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Кузгудаги акс».
19.05 «Акциядор лугати».
19.20 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Диққат, премьера: «Соҳибқирон». Видеофильм. 4-қисм.
21.50 Дилнавоз садолар.
22.00 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
22.15 «Одобнома».
22.25 Бокс. Сидней Львович Жаксон хотирасига бағишланган халқаро турнир. Финал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Икки дил достони». Бадиий фильм.
01.30 Тунги тароналар.
01.40 — 01.50 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Хобби-холл». Қизиқарли дастур.
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.05 «Табиат дунёси».
11.55 «Компьютер-Осиё».
12.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.30 — 14.10 Видео — «О».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Дармон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.40 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 «Кинонигоҳ».
24.00 — 00.30 «Спорт қитъаси».

III

17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Олимпиада оҳанглари». Спорт дастури.
18.20 «Илҳом». Телефильм.
18.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
*
Россия жамоат телевиденеиси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
* * *
19.10 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Зотли отлар». Телефильм.
*
Россия давлат телевиденеиси
22.45 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.35 Эълонлар.
19.40 «Онагинам».
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Интер-спорт».
21.10 «02» тўлқинида».
21.25 «Каталог».
21.40 «Эколот-коктейль».
22.10 «Эллада».
22.40 «Компьютер-ревю».

(Давоми 4-бетда).

ТАЛАБА КЎП, МУТАХАССИС...

Муаммо кўндаланг қўйилади

— Кам, — дейди кўпни кўрган тажрибали муаллим Тўрабек ака оғир хўрсиниб. «Нега? Ахир ҳар йили бутун Ўзбекистонда мингминглаб ёшлар диплом олишади. Улар қаёққа кетаяпти?» дейман. У киши яна ўзини қийнаётган ташвишларни айтади:

— Мана, мен ўттиз тўрт йилдирки, бир соҳанинг нонини ейман. Тўғри, шу орада бошқа жойлардаям ишладим. Лекин аксарият ҳолларда умрим техник мутахассислар тайёрлашга боғлиқ кечди. Гоҳо ўтган йилларимни сарҳисоб қиламан. Энди ўйласам, шоғирдларим мингдан ошиб кетибди. Ҳозир улар турли соҳаларда ишлашяпти. Лекин энг фидойилари битта касбнинг бошини тутган. Ҳозир, айниқса ўрта махсус ўқув юртларини битириб чиқаётганларнинг қаерга кетаётгани оғир муаммога айланди. Бугун мени бошқа бир ташвиш қийнаяпти. У ҳам бўлса кечагина мактабни битириб ўқишга кирганларнинг билим савияси жуда паст. Маънавий тарбияси суст. Булар бевосита бизнинг техникумга тегишли эмас. Чунки кўрдингиз-ку, менинг ўзим...

Дарвоқе, Тўрабек ака Жўрабековни таништирайлик. Тошкент автомобиль ва йўллар техникумининг директори. Тўғриси, аввалига кўнглимга бир нарса оғир ботди. Нима десангиз, у кишини йўқлаб борганимда ичкарида бир талабанинг онаси ва муаллимини чақириб, уларнинг олдида қойиётган экан. Директор бўлса, шунча иши туриб, яна бир студентнинг кийиниши, туриш-турмуши билан қизиқиб нима қиларкин? Бу ўринбосарлари қаёққа қарайди? — деган ўй ҳам хаёлимдан ўтди.

Кейин тушундим. Ўзи изоҳ берди: «Мен сизга бир сиримни очай. Ҳар куни домлаларни чақириб, ўқувчиларнинг давомати, саломалигигача сўрайман. Фалон гуруҳдан бирови келмади, дейишса йўқлаттираман. Ўзрли бўлса хўп, лекин узрсиз бўлса ўзим чақириб, суҳбатлашаман. Беш-ўн дақиқа, балки ярим соат вақтим кетар. Агар шу насиҳатим ўша лоқайд, юзи қаттиқроқ талабага кор қилса, бир ҳафтада сезилади. Акси бўлса, кечирмайман...»

Бу ғаройиб «тажриба»ни биринчи кўриб турганим учунми, менга сал эриш туюлган эди. Кейин англадим. Аслида қанийди ҳар бир мактаб ё билим юртларининг директорлари Тўрабек акадай иш юритганларида борми... кўпгина соҳаларга тасодифан келиб қолганлар кам бўларди. Шунингдек, ўз ота-онасидан эшитмаган панд насиҳатларни директоридан эшитган талаба, албатта, яхши томонга ўзгаради-да.

Тўрабек ака яна бир оғриқли муаммо хусусида қуйиниб гапирди:

— Юқоридаям айтдим, очиғи, ўрта мактабни битириб келган ёшларни айрим фанлардан қайтадан ўқитишга тўғри келяпти. Чунки олган билимлари ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. Боиси, бугун кечаги замон эмас. Тўзум бутунлай бошқа, жамият янгиланган. Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги обрўси кўтариляпти. Энди шу озод мамлакатнинг бугуни ва эртасини белгилайдиган одамлар ҳам ўзгариши керак-да. Айниқса, яна такрорлайман, ёшларнинг тарбияси, илму маърифати учун кўпроқ қайғуриш керак.

Гурунгимиз сўнггида яна мутахассислар ҳақида гап айланди. «Энг биринчи синов — танловга боғлиқ, — дейди Тўрабек ака. — Кейингиси ўқитиш ва тарбиядан иборат. Олий ўқув юртларининг йўриғи бошқа. Лекин бизнинг техникумга ўхшаш коллеж ва ихчам илм масканлари олдида ҳали катта вазифалар турибди. Дунё талаблари даражасига етмоқ учун энг аввало ўз имкониятларимиздан кўпроқ фойдаланишимиз керак. Ана шундагина талабалар билан мутахассислар сони нисбатан тенглашса ажабмас». Ҳа, ишонаверинг, кўпни кўрган устоз муаллим айтган сўзлар замирида катта ҳикматлар яширин.

Нор ҚОБИЛ.

Миллат руҳи

МУРАББИЙ ВА ҲАРБИЙ МАСЛАГИ

Бугунги суҳбатдошим фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг профессори, полковник Бердиқул Тўрақулович ТЎЙЧИЕВдир. У 28 ёшида номзодлик, 46 ёшида докторлик ишларини ҳимоя қилган. Оилали, икки фарзанди бор. 100 дан ортиқ илмий рисолалари матбуотда эълон қилинган.

— Бердиқул ака, сиз фақат ички ишлар ходимигина эмас, ҳам олим, ҳам муаллимсиз. Айтинг-чи, сиз учун бу масъул вазифаларнинг қай бири мураккаброқ?

— Энг аввало, бу учала вазифани ҳам ўзимда мужассамлаштиришга ҳаракат қиламан,лекин ҳар доим ҳам бунга эришиш қийин. Қисқаси, раҳбарлар томонидан топшириқ берилган пайтда ички ишлар ходимиман, Ёшлар — талабалар қаршисида эса кўпроқ мураббийман. Бу икки вазифам бевосита бир-бирига боғлиқ, чунки мен ўз маърузаларимда фарзандларимизга ҳарбий қўникмалар ҳақида тушунча бераман. Олимликка келсак, ўзимни олим дейишга у қадар ботинолмайман, тўғриси. Чунки олимликнинг чеки-чегараси йўқ. Унга мутлақ эришиш учун бир инсон умри камлик қилади. Муҳим назарий муаммоларга дуч келганимда илмий мутолаага — илмий изланишга тўғри келади. Ўшандай вақтларда бошқа жараёнлардан бироз бегоналашгандай бўламан.

— Шоир ёки ҳофиз бўлиш учун одамда албатта туғма лаёқат бўлиши керак. Мукаммал ички ишлар ходими бўлишликнинг қандай шартлари бор?

— Менимча, ҳар қандай касбнинг мукаммал эгаси бўлиш учун одамда албатта туғма истеъдод бўлиши шарт. Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора ходимлари касб этикасига ниҳоятда амал қилишлари лозим. Агар улар оғзида нос ёки қўлида сигарета билан одамларни тартибга чақирсалар, бу ҳуқуқий маданият етишмасликнинг аломатидир. Оддий фуқаронинг хунукроқ ҳаракати кўпчиликка сезилмаслиги мумкин. Бироқ масъул кишиларнинг камчилиги кўзга яққол ташланади. Мен юртбошимизнинг: «Маънавият — тақдирнинг эҳсони эмас» деган гапларини яхши қураман ва кўп такрорлайман. Ички ишлар ходимлари давлатимиз қонунларини қалдирғоч ўз уясини ҳимоя қилгандек қўриқлашлари, ўзлари ҳам ўша қонунларни пухта эгаллаган бўлишлари шарт. Масалан, ўзим ҳам халқнинг оддий аскари — хизматкори эканимни ҳеч қачон унутмайман. Қолаверса, инсон унвон учун яшамайди. Унвонлар унинг маданиятини, қобилиятини ўзгартиролмайди, масъуллигини оширади, руҳиятини кўтаради, холос! Мен ҳуқуқий маданият қатламлари бўлсин дейман, чунки ҳамма учун бир хил ҳуқуқий назарияни барибир яратиб бўлмайди. 5-10 ёшли кичкинтой билан балоғатга етган ва ёши бир жойга борган кишиларнинг ҳуқуқлари ўртасида фарқ бўлиши табиий-да!..

— Сир эмас, ҳозир биров ишини ижод деб билса, бошқа бир киши пул топиш билан шуғулланяпти. Сиёсий онгимиз етук, деб мақтанишга ҳали анча эрта. Юртимизда беш йил ичида 250 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди, фармонлар чиқди. Ҳатто зиёлилар орасида ҳам шу тарихий ҳужжатларнинг моҳиятини тушунмайдиганлар, қадрлай олмайдиганлар топилади. Сиёсий занфлик оқибатида ҳар хил хатолар, ҳатто жиноий ишлар ҳам содир бўлиши мумкин, шундай эмасми?

— Сиёсий мафкура масаласи — энг долзарб масала, энг оғриқли нуқта. Эсимда бор, илгарилари ҳуқуқшунослик жамиятшуносликнинг бир бўлими сифатида ўтиларди, холос. Ҳозир ҳуқуқшуносликни асосий фанлардан бири сифатида ўрганадиган пайт. Чунки ёшларимиз кўпинча ўзлари билмаган ҳолда жиноий ишларга қўл уриб қўймоқдалар. Бу соҳада бизга манба қаишоқлиги панд беряпти. Фақат қуруқ гап — маърузалар билан одамларни тарбиялаб бўлмайди. Бунинг учун реал манбалар, дарсликлар, керак бўлса чўнтак китоблар чоп этилиши керак, токи кишилар ўзларини ўзлари қонун йўли билан ҳимоя қила олсинлар. Президентимиз ИНСОН ҲУҚУҚИ деган курсни жорий қилиш ҳақидаги жуда тўғри таклифни айтдилар. Мен ўйлайманки, бунинг учун бизда интеллектуал потенциал — имкониятлар етарли. Ҳамма гап ўша потенциалдан тўғри фойдаланишда қолган холос. Бу борада ўзим ҳам Ички ишлар вазирлиги тизимидаги Академияда баҳоли қудрат меҳнат қилаётганимдан хурсандман. Истиқлол шарофати билан Академиямиз республикамиздаги энг нуфузли олийгоҳлардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Раҳбариятимиз юқори малакали кадрлар тайёрлашда катта ишларни амалга оширмоқда. Демоқчиманки, ҳуқуқий — демократик давлат қуриш учун кураш қонунчилик ҳаётнинг ҳамма соҳасига, қон-қонимизга, дил-дилимизга сингиб кетгунча давом этади.

— Маънавият ва давлат ҳақида нима дея оласиз?

— Маънавияти мустаҳкам юртгина мустаҳкам давлат бўла олади. Тарихга бир назар солсангиз, энг иқтисодий оғир шароит даврларида ҳам буюк шахслар камолга етган, буюк мўъжизалар яратилган, буюк асарлар ёзилган. Маънавият эътиқод билан боғлиқ тушунча. Эътиқодни эса бир соатда ёки бир неча кунда шакллантириб бўлмайди. Энг ёмон одам ким десангиз, мен эътиқодсиз одам, деб жавоб берган бўлардим. Инсон маънавияти йиллар давомида яратилади ва авлодларга мерос бўлиб қолади. Маънавий баркамол мамлакат аҳолисининг муносабатлари оила аъзоларининг бир-бирларига муносабати каби соф бўлиши керак менимча.

— Ҳозир кўча-кўйда машина юваётган, ошхонама-ошхона сомса, хоним, сотиб юрган болакайлар кўп учрайди. Улар катталар билан бемалол гурунглашишдан, баҳслашишиш, ҳатто ади-бади айтишишдан ҳам тап тортмайдилар. Уларнинг маълум маънода узоғимизни яқин қилиб, вақтимизни тежаётганларини инкор қилмайман. Лекин мен шундай юмушларни ҳеч қачон ўз фарзандларимга раво кўрмаган бўлардим. Умуман, катталар ва болалар ўртасидаги шу «яқинлик» ка — чегара бузилишларига сиз қандай қарайсиз?

— Мен болаларнинг кўчаларда машина ювиб, артиб-тозалаб юришларини мутлақо нотўғри, деб ҳисоблайман. Чунки бировнинг машинасини уч-тўрт сўм учун тозалаган бола уйга келиб ўз отасининг машинасини ювмайди ювганда ҳам пул олишдан тап тортмайдиган бўлади. Ундан ташқари чет элда қилинаётган барча ишларни ўз юртимизда синашимиз шарт эмас. Улар ўрганишлари мумкин бўлган жиҳатларимиз жуда кўп ахир. Айрим отаоналар бола пишади, деб ўйлайди. Тўғри, бола пишади. Шубилан бирга дийдаси ҳам қотиб қолади-да! Иккинчидан, ўша бола машинанинг тагига кириб кетиб фалокат рўй берса нима бўлади! Кўпинча таъқиқланган жойларда машина юваётган болаларни кўриб қоламан. Ҳар ҳолда бу меҳнат дейишингиз мумкин, лекин меҳнат ҳам маданиятли ва мавжуд қонунчилик асосида бўлиши керак.

— Мен ҳам шу ҳолатлардан изтироб чекаман. Агар ўша болалар ямоқчилик қилишса — бирор устага шогирд тушиб ишлашса, суюнган бўлардим. Лекин нега энди катталарнинг кирини энг пок тоифа бўлган болалар ювиши керак? Фарзандларимизни ҳар жиҳатдан пок асраш катталарни унчалик безовта қилмай қўйди, назаримда.

— Гапингизга қўшимча қилиб яна шуни айтмоқчиманки, бозор муносабатларига ўтишнинг ҳам ўз фалсафаси бор. Иложи бўлса, бозор муносабатлари мафкурасини яратиш керак, деб ўйлайман. Қадимда боболаримиз, момоларимиз бўйи етган ўғли токчадаги бир сўмни олиб икки сўм қилиб келса, хурсанд бўлишган. Лекин ўша ортиқча бир сўмнинг қаердан келганлиги, қандай йўл билан топилганлиги уларнинг назаридан четда қолмаган. Бозор бир сўмни қандай йўл билан бўлмасин, икки сўм қилиш дегани эмас. Бозорнинг ўз қонунлари, ахлоқ тамойиллари бор. Уларга ҳаммамиз қатъий амал қиляпмиз деёлмайман.

— Ички ишлар ходимларининг фаолиятидан қониқасизми?

— Қониқаман. Худога шукр, кейинги йилларда жиноятчиликнинг айрим турлари анча камайди. Лекин такомиллик чегара билмайди. Мен истардимки, ҳамкасбларимиз Ватан осойишталиги, эл хотиржамлиги йўлида яна ҳам собитқадамлик, фидойилик билан меҳнат қилсинлар. Ҳеч кимнинг бурни беҳуда қонамасин, изтироб кўз ёшлари тўкилмасин!

Суҳбатдош: Замира ЭГАМБЕРДИЕВА «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хорижда

ХАЛҚАРО СУДНИНГ БЕШ АЪЗОСИ САЙЛАНДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши халқаро суднинг янги беш аъзосини сайлади.

Ҳуқуқий масалалар бўйича давлатлар ўртасида юзага келадиган можароларни таҳлил этадиган мазкур муассасанинг жами 15 аъзоси бўлиб, уларни БМТнинг юқори органлари сайлайди. Ҳар бир ҳакам тўққиз йиллик муддатга сайланади, лекин сайловлар ҳар уч йилда суд аъзоларининг учдан бир қисми янгиланиб турадиган тартибда ўтказилади.

Шундай қилиб, судга бразилиялик Жозе Безек, голландиялик Питер Коойманс, жазоирлик Муҳаммад Бажовий, россиялик Владлен Верешчатин ва америкалик Стивен Швебел сайланди.

ҚУТУРГАН МОЛ ГЎШТИДАН ЎҒИТ

Маълумки, шу йилнинг бошида Буюк Британиядаги қорамоллар орасида қутуриш касали тарқалиб, Европа ҳамжамияти Англияда тайёрланадиган мол гўштини импорт қилишни тақиқлаган эди. Шундан сўнг ҳукумат қарори билан 750 мингга яқин қорамол йўқ қилинди.

Буюк Британия қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ҳамда озиқ-овқат вазири Дуглас Хогнинг таъкидлашича, мамлакатда яна 250 мингга яқин касалланган қорамол бўлиб, улар шу йилнинг охиригача сўйиб битирилади. Молнинг қони ва ички аъзолари эса ўғит сифатида ишлатилади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи И. ҲАМРО.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0627

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 19.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

23.05 Телефильм (Япония).
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 15

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.45 Пойтахт концерт залларида.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фермер». Тележурнал.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 География.
11.00 Немис тили.
11.30 Адабиёт.
*
12.00 «Соҳибқирон». Видеофильм. 4-қисм.
12.30 «Алпомиш авлодлари».
13.05 «Саҳна ҳаёти». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саидкомил Умаров.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.35 «Маърифат маскани».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Мутолаа».
18.50 «Бизнес ҳафта якунлари».
19.00 «Аудитория».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Эртага — шанба.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Диққат, премьера: «Соҳибқирон». Видеофильм. 5-қисм.
21.50 Дилнавоз садолар.
22.00 «Ривоят».
22.10 «Морена Клара». Телесериал.
23.00 «Мафтункор чеҳралар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.30 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Мульти-пульти».
9.20 «Таманно».
9.30 Мулоҳаза учун мавзу.
9.50 Дилором наволар.
9.55 Видео янгиликлари.
10.10 Видео—«О».
11.50 — 14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 Хит-парад ва Эълонлар.
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 00.20 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Аёлни изланг». Бадиий фильм. 1-серия.
*
Россия жамоат телевиденеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
* * *
19.15 — 21.35
*
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Шарқ өдгорликлари».Телефильм.
*
Россия давлат телевиденеси
22.55 — 23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Дидар».
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Мусиқий меҳмонхона».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Коинот».
21.35 «Уй остонадан бошланади».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Бу бўстон аро».
22.40 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
23.10 Араб эстрадаси.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 16

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Таранним». Мусиқий дастур.
9.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Паҳлавон Маҳмуд».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.30 «Талабалик йилларим».
11.10 «Хабарнома».
11.20 «Баҳс».
11.45 Мулоҳаза, мунозара, муносабат.
*
12.15 «Соҳибқирон». Видеофильм. 5-қисм.
12.45 «Шоҳруҳ» клуби.
13.15 Эстрада қўшиқлари.
13.45 — 15.15 «Табор кўкка интилади». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совга».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 Дилнавоз садолар.
19.10 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Дилнавоз садолар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Диққат, премьера: «Соҳибқирон». Видеофильм. 6-қисм.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.00 «Заковат».
22.10 «Жаҳон киноси юлдузлари».
22.25 «Имкон чўққилари».
22.35 «Элвис ва мен». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
II
9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20 — 14.20 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Мультдаста».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дубляж».
20.05 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури:
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 — 23.35 Видео — «О».
III
17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.10 «Аёлни изланг». Бадиий фильм. 2-серия.
*
Россия жамоат телевиденеси
18.20 — 21.35
*
21.35 «Муъжизакор гўзаллик сири».Телефильм.
*
Россия давлат телевиденеси
22.00 — 22.35
*
22.35 Эълонлар.
22.40 «Оқ бўрилар». Бадиий фильм.
00.20 — 00.30 «Жонажон шаҳрим жамоли». Телефильм.
IV
9.00 «Аэробика».
9.15 Эълонлар.
9.20 «Шанба эртаги».
10.50 «Комедиантлар».
11.10 «Клип-антракт».
11.15 «Рақслар қанотида».
11.45 «Клип-антракт».
11.50 Кининг олтин асри. «Интиқом куни». Бадиий фильм.
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Одам ва олам».
20.30 «Клип-антракт».
20.35 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.40 «Салом, Франция!».
21.10 Эълонлар.
21.15 Кининг олтин асри. «Ромео ва Жульетта». Бадиий фильм. 1-серия.
22.20 «Чинсэн».
22.50 «Спектаклдан сўнг...».
23.20 «Беш дақиқа ўзим учун».
23.25 «Хит-коллекция».
23.40 «Жилет-спорт».
00.10 «Бу ажиб дунё».
00.30 Эълонлар.
00.35 — 00.45 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 17

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
11.40 «Уйла! Изла! Топ!». Телемусобақа.
12.15 «Соҳибқирон». Видеофильм. 6-қисм.
12.55 «Ўзбекистон спорти».
13.15 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
14.15 — 14.55 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 16-кўй.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун концерт.
18.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Соғинч».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Мусиқа салтанати».
21.50 «Шаҳс ва баҳс».
22.15 Диққат, премьера. М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 17-кўй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.35 — 00.45 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Мультдаста».
9.30 «Жозиба».
9.40 «Дубляж».
9.45 «Жозиба».
10.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео — «О».
12.15 — 14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Боланинг тили...».
18.30 «Мульти-пульти».
18.45 Таманно».
18.55 «Табиат шифохонаси».
19.05 Мулоҳаза учун мавзу.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Видео янгиликлари.
20.20 Дилором наволар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Мухлис».
21.25 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
22.05 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 Видео — «О».
00.20 — 00.25 Дастур ниҳояси.
III
17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевиденеси
17.40 — 23.00
*
23.00 Эълонлар.
23.05 — 23.30 «Панорама».
IV
9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсэ?».
12:25 «Жонли сайёра».
12.45 «Афсона ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.25 «Оқ соя».
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Киносалон. «Уйинчоқ». Бадиий фильм.
15.45 «Биргалашиб куйлайлик».
16.30 «Лирик лаҳза».
16.35 Эълонлар.
16.40 «Сенинг вақтинг».
17.10 «Бола йўқолди». Қисқа метражли бадиий фильм.
17.40 «Мусиқий Олимп».
*
18.10 — 19.45 Туркия телевидениеси.
*
19.45 «ТВ IV да етти кун».
20.00 «Мульткарусель».
20.15 «Телеташриф».
20.30 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.00 «ТВ IV да етти кун».
21.15 «Клип-антракт».
21.25 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
21.55 Эълонлар.
22.00 «Голливуд-рок». Ёшлар учун мусиқий дастур.
22.30 Киносалон. Кевин Костнер «Қасос» фильмида.
00.20 — 00.30 «Хайрли тун!».

Диққат, обуна давом этмоқда!
Азиз юртдошлар!
"ОБУНА 97"
ОСИЁ БОЗОРИ
Мустақил иқтисодий газетасига 1997 йил учун обуна бўлишни унутманг.
"ОСИЁ БОЗОРИ"га обуна бўлсангиз:
❑ мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларнинг қандай бораётганлигидан хабардор бўласиз;
❑ кичик бизнесни ташкил этиш йўл-йўриқларини ўрганасиз;
❑ молия ва банк, солиқ тизимидаги янгиликлардан воқиф бўласиз;
❑ қимматли қоғозлар бозори тўғрисида кенг маълумотлар оласиз;
❑ ишбилармонлар эса ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўз-кўз қилиб сотиш, реклама қилиш имтиёзли имкониятига эга бўладилар.
"ОСИЁ БОЗОРИ" — СИЗНИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ОЛИБ ЧИҚАДИ!
"ОСИЁ БОЗОРИ"
индекс: 64742 (якка обуначилар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
44 сўм	132 сўм	264 сўм	528 сўм

индекс: 64567 (ташкилотлар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
48 сўм	144 сўм	288 сўм	576 сўм

THE CENTRAL EUROPEAN UNIVERSITY FOUNDATION
Invites applications for
Post-Graduate Fellowships
For the 1997/98 Academic Year
The Central European University (CEU) is an international institution for post-graduate study and research. CEU also promotes educational development and policy-making throughout Central and Eastern Europe and the former Soviet Union (CEE/fSU). CEU has an absolute charter from the Board of Regents of the State of New York.
UP TO 500 FELLOWSHIPS are available to qualified candidates from Central and EasternEurope and the former Soviet Union on a competitive basis. These fellowships packages cover the USD 11,000 tuition, housing, travel costs and a monthly stipend. A limited number of full or partial scholarships are also available for top students from countries outside of CEE/fSU.
Master's and Doctoral Programs[1]
Budapest, Hungary
* Economics--*MA (2 year program, year 1 at the University of Essex, UK)*
* Environmental Sciences and Policy--*MSc*
* History--*MA*
* International Relations and European Studies--*MA*
* Legal Studies-Comparative Constitutional Law
-International Business Law--*LLM, SJD (accreditation pending)*
* Medieval Studies--*MA, PhD*
* Political Science--*MA*
Warsaw, Poland
* Sociology--MA
Interdisciplinary Certificate Programs
Budapest, Hungary
* Gender Studies
* Social Theory
* Southeast European Studies
Minimum entry requirements: a university or college degree and English proficiency.
Additional deparmental requirements may apply.
For additional information and application material, please contact:
Open Society Institute Uzbekistan Abdula Kodiri 11, Second Floor
Tashkent 700011 Tel/fax: (3712)41-86-04 Email: osi@osi.silk. org
[1] Please note, PhD and SJD programs are open to selected graduates of the respective CEU Master's program.

Ўзбекистон Республикаси
"Ўзэлектркабелсавдо"
улгуржи-савдо воситачилик фирмаси акционерлик жамияти
Пул ўтказиш йўли билан қуйидаги маҳсулотларни
СОТАДИ
✓ кучланиш трансформаторлари ва подстанциялар;
✓ электр пайвандлаш асбоб-ускуналари;
✓ турли русумдаги электродвигателлар;
✓ турли русумдаги ёритгичлар;
✓ люминиценти, симобли, оддий усулда пишиқтирилган лампалар;
✓ тирқишли аккумуляторлар;
✓ кислотали аккумуляторлар;
✓ кенг турдаги кабель-ўтказгичли ҳамда халқ истеъмоли маҳсулотлари.
Бундан ташқари столлар, стуллар ва идиш-товоқларни фойдаланиш учун бериб туришни
ТАКЛИФ ЭТАДИ
Фирма имтиёзли равишда мол-хом ашё биржасида ва "Ўзулгуржибиржасавдо"нинг доимий фаолият кўрсатувчи ярмаркасида шартнома асосида маҳсулот сотишни амалга оширади.
Чет эл ва МДҲ давлатларидаги фирмаларнинг маҳсулотини консигнация асосида сотиб бериш юзасидан шартномалар тузади.
Яхши жиҳозланган, темир йўл бўлимлари кириб борган омборхона биноларини ижарага бериш имкониятига эгамиз.
Фирма электротехника ва кабель-ўтказгичли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этишдан манфаатдор.
"Ўзэлектркабелсавдо" акционерлик жамияти республикамиздаги истеъмолчилардан 1997 йил учун электр ва кабель-ўтказгичли маҳсулотларни етказиб беришга буюртмалар қабул қилишни бошлаб юборди. Ўзбекистон Республикасидаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи заводларга буюртма бериш, шунингдек уни МДҲ давлатлари ҳамда Болтиқбўйи республикаларидан келтириб сотиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, 700094, Мўйноқ кўчаси, 135-уй.
Маълумот учун телефонлар: 98-68-46, 92-32-16, 92-32-49, 90-66-94, 98-68-47.
Факс: 90-73-84, телетайп 116187 привод.